



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСII ГАЗЕТАСИ

№ 182 (10.487)

2005 ЙИЛ 14 СЕНТЯБРЬ



МАТБАА МАҲСУЛОТЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

«Ўзэкспомарказ» мажмуида «O'zbek in print» ва «O'zapask» матбаа маҳсулотлари, наشريёт иши, реклама ва этикетка халқаро кўргазмаси очилди. Ватанимиз Мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланган бу кўргазма Ўзбекистон — Россия «ПолРос» кўшма корхонаси ва «Ўзэкспомарказ» мажмуи ҳамкорлигида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Россия Федерациясининг юртимиздаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда, барча соҳаларда бўлгани каби, наشريёт-матбаа, полиграфия соҳасини тубдан ривожлантиришга қаратилган ислохотлар ўз самарасини бераётганини таъкидлади. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 августда қабул қилинган «Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Тармоқда туб ўзгаришлар рўй бермоқда, хусусан, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш жараёни жадаллашмоқда, янги технологиялар жорий этилиб, замонавий кўшма корхоналар ишга тушмоқда.

Пойтахтимизда бундай кўргазманинг мунтазам ўтказилиши бежиз эмас, албатта. Зеро, полиграфия маҳсулотларининг сифатини ошириш ва ташқи кўринишини янада яхшилаш нафақат юртимизда, балки бутун дунёда тобора долзарб вазифа бўлиб бормоқда. Еттинчи марта ўтказилаётган ушбу кўргазмада Жанубий Корея, Россия, Ҳиндистон каби йигирмадан зиёд давлатнинг полиграфия соҳасига их-

тисослашган фирма ва компаниялари маҳсулотлари намойиш этилмоқда. Иштирокчилар сонининг йил сайини кўпаяётгани эса кўргазма нуфузи тобора ортаётганидан дарак беради.

Юртимизнинг «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», «Чўлпон», Гафур Гулом номидаги наشريёт-матбаа ижод уйлари, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий наشريёти, «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси каби ўттиздан зиёд наشريёт-матбаа корхоналари, компаниялари, ижод уйлари маҳсулотларига кенг ўрин берилган.

Кўргазмада матн, суратли ахборот ва рангли ишлов учун мўлжалланган жиҳозлар ва компьютер технологиялари, энг янги матбаа машиналари ва замонавий технологиялар, ёрлик ва қоғоз-картон учун материаллар, ортехника жиҳозлари, турли матбаа маҳсулотлари билан танишиш мумкин.

— Бизнинг муассасамиз асосан таълим даргоҳлари учун контурхарита ва атласлар етказиб беради, — деди «Картография» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси маркетинг бўлими мутахассиси Жаҳонгир Холиқов. — Бундай халқаро кўргазмада тўртинчи марта иштирок этаётирмиз. Бу эса аҳолини, соҳа ишбилармонларини корхонамизнинг янгиликлари билан таништиришда, маҳсулотимизни реклама қилишда, ўзаро манфаатли шартномалар имзолашда фоят қўл келмоқда.

Бу галги тадбир доирасида халқаро полиграфия соаноати форуми, полиграфия соҳасини ривожлантиришга оид анжуман ва семинарлар ўтказилади. Айни пайтда кўплаб кўшма корхоналарнинг янги лойиҳалари тақдими, ишбилармон доираларининг учрашувлари бўлиб ўтади. Замонавий дизайн ва матбаа соҳасидаги ёш ва изланувчан мутахассисларни аниқлаш ва кўллаб-қувватлаш ҳамда полиграфия маҳсулотлари сифатини ошириш мақсадида «2005 йилнинг энг яхши этикеткаси» ҳамда «Design va Muht» номли кўрик-танловлар ташкил этилади.

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Абдулла Орипов иштирок этди.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ БИЛАН ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ЎРТАСИДА ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМНИ (ТОШКЕНТ, 2005 ЙИЛ 6 МАРТ) РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ҲАҚИДА
Қонунчилик палатаси томонидан 2005 йил 28 июнда қабул қилинган Сенат томонидан 2005 йил 27 августда маъқулланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислон Республикаси Ҳукумати ўртасида халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим (Тошкент, 2005 йил 6 март) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 13 сентябрь.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг жорий йил 25-27 май кунлари ХХРга ташрифи давомида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг шериклик муносабатлари тўғрисидаги Шартнома ратификация қилинди.

ШАРТНОМА РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНДИ

Миллий қонунчиликда белгиланган тартибга мувофиқ ушбу ҳужжат республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан тасдиқланганидан сўнг ратификация қилинди.

Хитой Ўзбекистоннинг асосий савдо-иқтисодий ва сарможайи ҳамкорларидан биридир. Жадал суръатларда ривожланаётган икки томонлама ҳамкорлик иқтисодий, сиёсий, илмий-техникавий ва гуманитар соҳаларни қамраб олади ҳамда 120 дан зиёд давлатларро ва бошқа шартномалар билан мувофиқлаштирилган.

1992 йилда имзоланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага асосан, Ўзбекистон билан Хитой ўртасида шерикчиликнинг қулай муҳити яратилган. Ўтган йилда икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми 357 миллион АҚШ долларидан зиёдни ташкил этди. Умуман олганда, сўнгги уч йил давомида Хитой билан товар айирбошлаш ҳажми тўрт баробар ортди.

Таъкидлаш жоизки, икки давлат раҳбарлари ўртасидаги ташрифлар ва учрашувлар мунтазам равишда йўлга қўйилган. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Хитойга амалга оширган навбатдаги — бешинчи ташрифи шериклик ва дўстлик муносабатларининг янги тарихига салмоқли ҳисса қўшди. Ушбу ташриф давомида 24 та муҳим ҳужжат имзоланди. Ўтган йили эса ХХР Раиси Ху Цзинтао давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг шериклик муносабатлари тўғрисидаги Шартноманинг ратификация қилиниши икки давлат ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарди, халқларимиз фаровонлиги йўлидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлики янада фаоллаштиради.

«Жаҳон» АА

XXI сағоси
Барча малбаларлар олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ҳукумат томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида палата муҳокамасига киритилган «Ҳакамлар судлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳамда кўмита ваколатига доир бошқа масалалар муҳокама қилинди.

● Тошкентда Оролбўйининг Ўзбекистондаги қисмида геологик кидирув ишларини олиб бориш лойиҳаси бўйича ибтидорлар консорциумини таъсис этиш ҳақида битим имзоланди.

● Тошкент Давлат иқтисодий университетига Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Олий таълим вазирлиги ҳамда мазкур университет ташаббуси билан ташкил этилган «Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган ислохотларни амалга оширишда аёлларнинг ўрни ва роли» мавзусидаги амалий семинар аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлашга қаратилди.

● Пахтаобод туманининг қўшни мамлакат билан чегара ҳудудларидаги 10 та маҳаллада табиий газ ёнадириш бўлди. Бунинг учун марказлашган бюджет маблағи ҳисобига 16,1 километр газ софига юқори босимли газ қувури тортилди.

Жаҳонда

● Хитой пойтахти Пекин шаҳрида Шимолий Корея ядро дастури бўйича 6 томонлама музокараларнинг янги босқичи бошланди.

● Покистон Президенти Парвез Мушарраф Покистон — Афғонистон чегарасига тўсиқ деворини қуриш ниятида эканлигини билдирди. Ушбу девор Афғонистондан жангариларнинг ҳамда гиванд моддаларнинг кириб келишига тўсиқ бўлади.

● АҚШнинг Шимолий Каролина штати қирғоқларига «Офелия» тўғони яқинлашмоқда. Шу муносабат билан штат губернатори Майк Ислей ҳудудда фавуқлодда ҳолат эълон қилди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

Тошкент шаҳар ҳоқимининг қарорига мувофиқ
МУЛЛАЖОНОВ Вали
Умирзоқович
Якқасарой туман ҳоқими этиб тайинланди.

Обуна — 2006

“ОҚШОМ” ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ, ДИЛКАШ СУҲБАТДОШИНГИЗ

Азиз оқшомхон! Шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида газета ва журналларга обуна ишлари давом этмоқда. Жумладан, Сиз севиб мутула қиладиган «Тошкент оқшом» газетасига ҳам 2006 йил учун обуна расмийлаштиришингиз мумкин.

Албатта, қарс икки кўлдан чиқади. Қай-

сики, нашр мазмундор ва қизиқарли мақолалар билан ўқувчига манзур бўлса, унинг муштарийлари ҳам ўз-ўзидан ортиб боради. Мана шу ниятда барча нашрлар қатори бизнинг «Оқшом» таҳририяти аъзолари ҳам ўз ихлосмандларини тақлиф ва истакларидан келиб чиқиб, келгуси йилда газетани янада

ўқимишлироқ қилиш мақсадида бир қатор режаларни белгилаб қўйди. «Оқшом» газеталари 2006 йилдан бошлаб янги-янги руқлар остида ранг-баранг мавзудаги мақолаларни ўз саҳифаларида ёритиб боради. Шундай экан, Сизга хар доим энг яқин ҳамдам, ҳамфирма маслаҳатгўй бўлиб келган сеvimли нашрингизга обуна бўлишга шошилгингиз. Шундагина янги йилнинг биринчи кунинда бошлаб «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб боради. Бизнинг нашр қўрсаткичимиз — 563. Йиллик нашр баҳоси 30.780 сўм қилиб белгиланган.

Транспорт

Мустақиллик бизга ўз автомобил санатимизга эга бўлишга имкон берди. Ҳозирда «Ўзбекистонда тайёрланган» тамгаси остидаги «Ласетти», «Матиз», «Нексия», «Дамас» ва «Тико» русумли енгил, тезюрар ҳамда замонавий машиналарни нафақат республикаамиз ҳудудида, балки узоқ ва яқин хориз мамлакатларида ҳам кўришимиз мумкин.



“ШАРҚ” ТЕЗЮРАР ПОЕЗДИ ҲАРАКАТИДАН ЙЎЛОВЧИЛАР МАМНУН

Темир йўл ҳам мамлакатимизнинг барча ҳудудларини бир-бири билан қулай тарзда боғлайдиган энг шинам ва ишончли транспорт воситаларидан ҳисобланади. Шунингдек, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг тезюрар поездлари орқали МДХ давлатларига ҳам қатновларни амалга ошириши мумкин.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 1997 йилда «Ўзтемирйўловчи» очик акциядорлик компаниясининг фаолият бошлаши бу соҳада самарали ислохотларнинг амалга оширилишига ўзига хос замин бўлди десак адашмаймиз. Ўтган вақт ичида кўп қўллаган янги вокзаллар бунёд этилди, мавжудлари замон талаблари даражасида қайта таъмирланмоқда. Ҳозирда вокзалларимизда барча қўлайликлар ва кенг қўламли хизмат турлари — ўриндиқли кутиш заллари, иссиқ овқатлар, енгил таомлар, компьютерлашган ўйин хоналари, душонналар, оналар ва болаларнинг дам олиш хоналари, айрим катта вокзалларда эса меҳмонхоналар мавжуд. Йўловчиларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда янги тезюрар йўналишларнинг очилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Жумладан, ўтган йили Тошкентдан Самарқандга қатновчи «Регистон» тезюрар поезде ҳаракатининг йўлга қўйилиши ҳамюртларимизни ниҳоятда мамнун этган эди.

Бу йил Мустақилликимизнинг 14 йиллиги нишонланаётган қутлуғ кунларда —

5 сентябрдан бошлаб Тошкент — Бухоро йўналишида «Шарқ» тезюрар поезде қатновининг йўлга қўйилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Шунга айтиш керакки, ушбу янги тезюрар йўналишининг очилишига пухта тайёргарлик кўрилди. Мазкур хайрли ишга шинам ва қулай 18 та вагонни тайёрлаган ҳолда Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи жамоаси ҳам ўз муносиб ҳиссасини қўшди.

«Шарқ» тезюрар поезде тўққизта вагондан таркиб топган бўлиб, битта вагон люкс, яна бири бизнес-класс ёки темир йўл таснифига кўра биринчи классга киради. Қолган етти вагон иккинчи классга мансуб, «Шарқ» поезде ҳаммаси бўлиб бир йўла 450 нафар йўловчига хизмат кўрсатишга мўлжалланган.

«Шарқ» тезюрар поезде қатновининг афзалликлари шундан иборатки, биринчидан унда йўловчиларга энг юқори даражада қўлайликлар яратилган (ҳар бир вагонга телевизор ўрнатилган, электрон тарзда йўл қўзатувчисини чақиритиш мумкин, табло мавжуд) бўлиб, оддий таркиб йўл учун 12 соат вақт сарфласа, тезюрар поездда Тошкентдан Бухорогача бўлган масофа 8 соат ичида босиб ўтилади. Ҳар Тошкентдан «Шарқ» поезде соат 11.35 да жўнаса, Бухоро шаҳрига соат 20 да етиб боради. Бухородан соат 6.50 да қўзғалган поезд соат 14.30 да пойтахтда бўлади.

— Ўйлаймизки, мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда келгуси йилдан бошлаб қатнов вақтини 7 соатга туширишимиз мумкин, — дейди «Ўзтемирйўловчи» ОАЖ бошлиғи ўринбосари Шавкат Нурматов. — Бу эса шубҳасиз, йўловчиларга янада қўлайлик яратади.



Бир сўз билан айтганда, ҳар куни шахримизнинг «Шимолий» вокзалидан йўлга чикувчи «Шарқ» тезюрар поезде узоқингизни яқин, дилингизни хушнуд қилади.

Дилшод ИСРОИЛОВ СУРАТЛАРДА: «Шарқ» тезюрар поездеда йўловчилар учун барча қўлайликлар яратилган.

Муҳаммад Амин (ЎЗА) олган суратлар

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САТРАРДА

● **КЕЧА** Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Тошкент Давлат иқтисодий университетининг ҳамкорлигида ўтказилган семинар «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармоннинг ижросини таъминлашга бағишланди.

● **ЎТГАН** куни «Сен ёлғиз эмассан» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси ташаббуси билан гиёвандликка қарши кураш, СПИД/ВИЧнинг олдини олишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● **ЎЗБЕКISTON** Миллий университетида бўлиб ўтган тақдирот маросими ўзбек ёшларининг немис тилига бўлган қизиқишларини оширишга бағишланди.

● **«КАМОЛОТ»** ЁИХ Чилонзор тумани бўлими Кенгаши томонидан 90-мактабда «Камолот» ва «Камалак» сардорларини сайлашга бағишланган тадбир ташкил этилди.

● **КЕЧА** «Дедеман-Силк-Родд» меҳмонхонасида «Гўзаллик — 2005» халқаро кўргазмаси очилди.

● **КЕЧА** Аброр Ҳидоятлов номли драма театрининг 68-мавсуми Нил Саймоннинг «97-хона» номли асари билан очилди.

● **КЕЧА** Ҳамза туманидаги мактаб-интернатда туман ҳокими кубоги учун Аҳмаджон Назаров ва Миршаропов маҳаллалари ёшлари ўртасида футбол мусобақаси уюштирилди.

● **КЕЧА** Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчилигида сайлов бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Республика ўқувчилар саройида экологик муаммолар ва унинг ечимларига бағишланган фотокўргазма уюштирилди.

● **КЕЧА** «Илҳом» театрининг 30-мавсуми очилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

(ЎЗА)

ФОНД БОЗОРИДА БАНКЛАРАРО САВДО ТИЗИМИ

Қимматли қўғозлар бозорида янги тузилма — банклараро савдо тизими пайдо бўлди, у Ўзбекистон банклар уюшмаси ҳузурида ташкил этилди.

Мазкур тузилма ташкилотчиларнинг айтишича, эмитентлар ва андеррайтерлар корпоратив облигацияларни жойлаштиришда турли қийинчиликларга дуч келмоқда. Шу сабабли банкларнинг қимматли қўғозларни бирламчи жойлаштириш бўйича хизмати қимматга тушмоқда.

Банклар эмитентдан облигацияларни сотиб олган ҳолда ҳам, улар билан самарали савдо қила олмай, ўзида сақлаб қолмоқда. Бундан ташқари, фаол иккинчи бозорнинг йўқлиги облигацияларнинг бозор нархини белгилаш ва уларнинг котишковкасини ташкил этиш имконини бермайпти. Банклараро савдо тизими (БСТ) фаолияти ана шу муаммоларни ҳал этишга қаратилган.

Қимматли қўғозлар бозоридидаги бу янги электрон савдо тизими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислох қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш доирасида жорий

этилмоқда. У фонд бозоридан банкларнинг фаолиятини қўлайлаштиришга хизмат қилади.

Банклараро савдо тизими раҳбари Ш.Тўраев ЎЗА муҳбири билан суҳбатда БСТ биржадан ташқари савдолар ва клиринг хизмати ташкилотчиси эканлигини айтиб ўтди. Яқинда бу тузилма Қимматли қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази лицензиясига эга бўлди, шунингдек, Давлат марказий депозитарийси билан ҳамкорлик ҳақида битим имзоланди.

Янги савдо тизимининг ўзига хослиги шундаки, у рақобат афзалликлари ва самарали фаолиятни таъминлайди. БСТ республика фонд биржасига мўқобил ҳисобланади. Шу боис, янги савдо ташкилотчиси фаолиятини соддалаштирилган механизми яратилган:

жумладан, унга инвестиция воситачиси лицензияси талаб этилмай савдо қилиш имконияти берилган, пул маблағларини олдиндан депонентлаш талаб этилмайди, савдо трайдерларнинг

турли масофадаги иш жойларидан ташкил этилган, барча ахборот электрон шаклда узатилади, эмитентлар ўз қимматли қўғозларини муштариф сотиши ва сотиб олиши мумкин, ҳисоб-китоб савдо амалга ошган кунгича бажарилади, савдонинг ботириши ва тузилаётган битимлар тўғрисидаги ахборот тезда маълум қилинади ва тарифлар битим ҳажмига боглиқ бўлмайди.

Банклараро савдо тизими корпоратив облигацияларни бирламчи жойлаштиришни бир неча савдо сессиялари давомида ва энг кам ҳаражат билан амалга ошириш имконини беради. Банкларда қимматли қўғозлар билан операцияларнинг бухгалтерия ҳисоб-китобига келсак, у молиявий ҳисобнинг халқаро стандартлари талабларига жавоб беради.

БСТ эмитентлар, инвесторлар ва профессионал иштирокчиларнинг корпоратив облигациялар бозоридидаги инвестиция фаолияти самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Энг илғор китобхон оила» республика кўрик-танлови якунланди. Танлов Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилди.

ЮРТИМИЗНИНГ ЭНГ КИТОБХОН ОИЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 августдаги «Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мамлакатимизда мазкур кўрик-танловни мунтазам ўтказиш яхши анъанага айланиб бормоқда. У юртимизда оилавий китобхонликни кенг тарғиб этиш ва ривожлантириш, аҳоли, айниқса, ёшлар онига миллий истиклол ғояларини чуқур синдириш, миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимизга эътиборни янада кўчатириш мақсадида ўтказилаётган.

Яқиний босқичда андижонлик Муқимжон Худойбердиев ҳамда бухоролик Шавкат Аълоев оиласи танлов ғолиби, деб топилди. Самарқанд вилояти вакили Эшон Султонов, пойтахтлик Олимжон Ашуров, навоийлик Муҳаммад Эшнӣёзов оиласи иккинчи ўринни эгаллади. Сирдарё вилоятидан келган Олимжон Хотамов, Жиззах вилояти номидан баҳслаган Ҳалима Ниёзова, Тошкент вилояти вакили Маҳмуджон Файзуллаев оиласи учинчи ўринга лойиқ топилди.

— Юртимизда аҳоли саломатлигини муҳофазалашда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга йўналтирилган фармонлари ва қарорларини амалга ошириш доирасида фуқаролар соғлигини мустақамлашга қаратилган кенг қўламли ишлар бажариляпти. Бунда ўта хавфли юқумли касалликларнинг мамлакатимизга кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Айрим мамлакатларда «Парранда гриппи» тарқалаётгани хусусидаги дастлабки маълумотлар олиниши биланоқ ветеринария ва санитария муассасалари бу борада махсус ҳаракат режасини ишлаб чиққан эди. Уни амалга ошириш бўйича тузилган республика штаби саъй-ҳаракати билан четдан кириб келаётган ҳар бир транспорт воситаси ва фуқарони қатъий тиббий кўриқдан ўтказиш йўлга қўйилди.

Аэропортларда, вокзалларда тиббий пунктлар ташкил этилди.

Тошкент шаҳри миқёсида бундай ишларни амалга ошириш алоҳида маъсулият талаб этади. Чунки мамлакатимиз пойтахтига келиб-кетувчилар бошқа жойлардаги нисбатан анча кўдир. Шунинг назарда тутилган ҳолда шаҳар соғлиқни сақлаш бош божқармасида карантин касалликлари олдини олиш бўйича алоҳида штаб ташкил этилди.

Айни вақтда аҳоли орасида ҳар хил юқумли касаллик-

лар, жумладан, ўткир ичак, сарик, тумов каби хасталикларнинг олдини олишга йўналтирилган ишлар ҳам режа асосида олиб борилляпти. Бундай касалликка чалинган беморларга ўз вақтида самарали тиббий хизмат кўрсатиш тизими шакллантирилган.

дийроқ тиббий парваришни талаб қилса, махсус касалхоналарда ётиб даволанади.

— Ҳозир пойтахтимизда 770 ўринли олтига юқумли касалликлар шифохонаси бор. Улардаги ўринлар сони юқумли мавсумий касалликлар тарқалиши ҳолатига қараб ўзгартириб турилади. Маса-

даёқ юқумли касалликлар тарқалиши билан боғлиқ вазиятга оид қузатувларини бизга маълум қилади. Ана шундай маълумотлар нафақат касалликни даволаш балки, унинг тарқалиши олдини олишга ҳам хизмат қилаётир.

Санитария-эпидемиологик вазият қатъий назорат қилинаётгани, тиббиёт, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари ва маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда аҳоли орасида мунтазам тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётгани туфайли жорий йил пойтахтимизда юқумли касалликлар тарқалиши билан боғлиқ мувозанат сақлаб қолинди.

Пойтахт аҳолисига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида икки юз нафарга яқин шифокор Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида тажриба ошириди.

Бундан ташқари, юртимизда фарзанд дунёга келган илк кунлардаёқ кўпгина юқумли касалликларга қарши эмлашнинг самарали тизими йўлга қўйилгани ҳам кўплаб хавфли юқумли касалликларнинг кескин камайишига олиб келяпти.

Давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ўта хавфли ва юқумли хасталиклар тарқалиши олдини олиш борасида бундай хайрли ишлар соғлом авлодни камолга етказиш, оилалар мустақамлигини таъминлаш ва аҳоли саломатлигини яхшилашда муҳим омил бўлмоқда.

**ЎЗА МУХБИРИ
Б.ХИДИРОВА
СУХТАЛЛАШДИ**

2005 — Соҳаб-саломатлик йили

САЛОМАТЛИКНИ АСРАШ — БАРЧАНИНГ БУРЧИ

Кейинги вақтда жаҳон оммавий ахборот воситаларида дунёнинг айрим минтақаларида инсонга жониворлар, айниқса, паррандалар орқали ўтадиган юқумли касалликлар тарқалаётгани ҳақида хабарлар пайдо бўлмоқда. «Парранда гриппи» улардан биридир. Ўтган йил Жануби-Шарқий Осиёда бу хасталиқдан юзлаб одамлар ҳаётдан қўз юмган эди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бу йил ҳам дунёнинг турли минтақаларида ана шундай касаллик рўйхатга олинаётганини маълум қилди.

Мамлакатимизда бундай вазиятни ҳисобга олган ҳолда профилактика ишларига катта аҳамият берилаётир. Жумладан, пойтахтимизда санитария-эпидемиологик ҳолатни қатъий назоратга олиш, савдо тармоқлари, умумий овқатланиш шохобчалари, бозорлар ва божхона масканларида карантин-текширув ишлари кучайтирилди.

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош божқармаси бош инспекционисти, тиббиёт фанлари доктори Малика ХҲҲАЕВА ЎЗА МУХБИРИГА БУ ҲАҚДА ҚУЙИДАГИЛАРНИ СЎЗЛАБ БЕРДИ:

Бунинг учун пойтахтимиздаги барча оилавий шифохоналарда юқумли касалликларни назорат қиладиган алоҳида хоналар ташкил этилган. Барча билрамчи тиббиёт муассасаларида чуқур тиббий таҳлил ўтказиладиган лаборатория ишлаб турибди. Бу ерда малакали шифокорлар фаолият юритяпти. Мазкур тиббиёт муассасаларига мурожаат қилган беморларда юқумли касалликлар аломати сезилиши биланоқ биринчи ёрдам кўрсатилади. Агар беморнинг аҳволи янада жид-

дан, ёзда ўткир ичак касалликлари, куз ва қишда сарик ёки тумов вируслари ривожланиши учун қулай муҳит юзага келади. Юқумли хасталиклар шифохоналаридаги ўринларни мувофиқлаштиришда ана шу вазият ҳисобга олинади.

Шунинг айтиш кераки, санитария-эпидемиологик вазиятни таҳлил этувчи илмий тадқиқот институти олимлари тавсиялари иш фаолиятимизда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Олимпларимиз йил боши-

“Тошкент оқшоми”га жавоб берадилар

“Йўловчи АЙБДОРМИ?”

Газетамизнинг 2005 йил 22 август сонидида “Йўловчи айбдорми?” сарлавҳали мақола эълон қилиниб, шаҳримиз жамоат транспортида йўловчиларга хизмат кўрсатаётган айрим ҳайдовчиларнинг эътирозга сабаб бўлаётган хатти-ҳаракатлари танқид қилинган эди. “Тошшаҳар йўловчитаранс” акциядорлик компанияси бошқарув раисининг ўринбосари Т.Дадабоев имзоси билан келган жавоб хатида қуйидагилар маълум қилинган:

“Тошкент оқшоми” газетасининг 2005 йил 22 август кундаги сонидида Аваз Олимовнинг “Йўловчи айбдорми?” сарлавҳаси билан чоп этилган мактуби “Тошшаҳар йўловчитаранс” акциядорлик компанияси тизимидagi автокорхоналар раҳбар ўринбосарларининг навбатдаги ййғилишида муҳокама қилиниб, шаҳар йўналишларидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

2005 йилнинг 26-27 август кунлари 97-автобус йўналишининг ҳайдовчи ва чипта сотувчилари иштирокида “8-сонли автосарой”да ўтказилган ййғилишда мақола муҳока-

маси қизғин баҳс ва мунозараларга бой бўлиб, йўналиш сардори Р.Сулеймановнинг йўналишда ҳайдовчиларнинг жадвалга риоя қилиб ишлашлари тўғрисидаги ваъдаси инобатга олинди. Ҳайдовчиларга қўшимча йўриқнома берилди. Корхонанинг ҳаракат хавфсизлиги муҳандисига йўналишга чиқиб, бекатларда навбатчилик ва текшириш ўтказиш вазифаси топширилди.

97-автобус йўналиши ишининг назорати автосаройнинг раҳбар ўринбосари Б.Хўжакулов (т. 24-06-07) зиммасига юклатилди.

“БЕКАТЛАРДА ТАРТИБ ЎРНАТИЛАДИМИ?”

Газетамизнинг 2005 йил 8 август сонидидаги “Бекатларда тартиб ўрнатиладими?” сарлавҳали танқидий мақола юзасидан ҳам компания мутасаддилари қуйидаги жавобни йўллаган:

“2005 йилнинг 8 август кунини “Тошкент оқшоми” газетасининг 153-сонидида чоп этилган “Бекатларда тартиб ўрнатиладими?” сарлавҳали танқидий мақола юзасидан Тошкент шаҳар барча транспорт турларини мувофиқлаштириш маркази, “Йўловчиавтохизмат” масъулияти чекланган жамияти, “Тошша-

ҳарйўловчитаранс” акциядорлик компанияси ҳаракат хавфсизлиги бўлими муҳандислари ва Тошкент шаҳар ИИББ ЙХБ ИПХ ходимлари билан ҳамкорликда тадбир ўтказилди.

Тадбир натижасида мақолада кўрсатилган “Юнусобод” деҳқон бозори ва “Олой” бозори бекатининг жамоат транспортлари тўхтайдиган махсус йўлакда автобусларнинг кириб-чиқишига халақит қилган ҳолда шахсий транспорт воситалари эгалари автоуловларни ташлаб кетаётганликлари аниқланиб, бу ҳолатлар бўйича ҳайдовчилар билан тушунтириш ишлари олиб борилди. Иккита ноқонуний равишда йўловчи ташиш билан шуғулланаётган ДАМАС русумли, давлат рақами 30М6869, бўлган автоулов ҳайдовчиси Т.Муслимов ва давлат рақами 30Е0657, автоулов ҳайдовчиси Х.Эгамбердиевларга нисбатан маъмурий баённома тузилиб, автоулов жарима майдонига қўйилди.

Юнусобод тумани ҳудудида хизмат олиб бораётган йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан юқорида номлари кўрсатилган ва шу ҳолатларга ўхшаш бекатларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, мунтазам равишда хизмат ўташини таъминлаш учун Тошкент шаҳар ИИББ ЙХБ раҳбари номига хат йўлланди.”

Санъат

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

Ўзбекистон Давлат санъат музейи экспонатларга бой. Ана шу ижод намуналари билан томошабинларни кенг қўламода ошно қилиш мақсадида музейда катта таъмирлаш ишлари олиб борилди, реконструкция ишлари амалга оширилди.

Бу эса экспозицияларни янгидан ташкил этиш учун қулайлик туғдирди. Санъат даргоҳининг биринчи ва иккинчи қаватларидаги экспонатлар энг яхши ижод намуналари билан бойитилди.

Чет эл Шарқи тасвирий ва амалий санъати асарлари учун алоҳида экспонатлар ташкил этилди. Эндиликда бу ерда Фарбий Европа санъати бўлимларини жиҳозлаш ишлари давом эттирилмоқда.

Бу ва шунга ўхшаш бошқа ижодий жараёнлар музейнинг янги каталогидида ҳам ўз ифодасини топди.

ЯНГИ

ИХТИСОСЛИКЛАР

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг Халқ бадий ижодиёти факультети кенгайиб бормоқда. Бу ерда тахсил олаётган талабалар “Халқ театрига раҳбарлик”, “Оммавий байрам режиссёри”, “Ҳаваскорлик халқ мусикаси ансамбли раҳбари” каби ихтисосликлар бўйича ташкил этилаётган машғулотларда қатнашиб, ўз соҳасининг малакали мутахассислари бўлиб етишмоқдалар.

Янги ўқув йилдан улар қаторига “Оммавий байрам — томошалар сценарийлари ва бадий танқидчилик” ихтисослиги ҳам қўшиладиган бўлди. Бу янги йўналиш бўйича хорижда дастлабки мутахассисларнинг малакасини ошириш масаласи ҳам ҳал этилди. Шу мақсадда Германия ва Хиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихоналари билан бамаслаҳат иш тутилди.

РАНГ-БАРАНГ СПЕКТАКЛАР

Тошкентдаги “Илҳом” театри ўз фаолиятини бошлаганига 30 йил тўлди. Ана шу ўтган давр актёрлар учун самарали ижодий излашлар йиллари бўлди. Унинг репертуарларида кўпгина спектакллар ўрин олди.

Юбилей мавсумида ижодий жамоа мухлисларни қатор спектакллар билан хушнуд этади. Жаҳон драматургиясининг қатор асарлари ҳам сахналаштирилди.

Янги мавсум олдида постановка қилинган “Мазл ва Шлимазл” деган спектакль томошабинларга манзур бўлди. Кўйирчок спектакли сифатида сахна юзини кўрган бу постановка мутахассислар томонидан яхши баҳоланди.

Акбар АЛИЕВ

Собир Рахимов туманидаги «Ачасобод» маҳалласига ҳам ана шу вазифага кимни сайлаш кераклиги ҳақида гап кетганда фаоллар кўп ўйлаб ўтирмасдан бир овоздан Мухаррам опа Расуловани муносиб деб топиди. Бунда Мухаррам опанинг узок йиллик меҳнат тажрибаси, маҳаллада обрў-эътибори, оиласи ҳам бошқаларга намуна бўлгани эътиборга олинди. Мухаррам Расулова тумандаги 36-ердамчи мактабда 25 йил болаларга таълим бериб, мактаб жамоаси ва болалар ҳурмати қозонган. Эндилликда эса маҳаллада кўпнинг ичда фаолият олиб бориши керак. Аввалига бу вазифа албатта катта масъулият талаб қилади, эълай олармиканман, деб иккиланди опа. Лекин маҳалланинг аҳил ва тотув, меҳр-оқибатли кишилари ёрдамида бу ишнинг тез утдасидан чиқди. Ва Юртбошимиз Фармонларида белгиланган вазифалар бўйича маҳалланинг Низоми ва ўз иш режасини белгиллаб олди ва шу асосда иш бошлади. Дастлаб оилалар билан танишиди, уларнинг аҳолини, дардини ашитди. Сўнгра йуша муаммоларни ҳал этиш йўллари ва чора-тадбирларини излади, елиб-югуриб, ёрдам берди. Шу билан бирга маҳалланинг обод бўлишига ҳам ўз улушини қўша бошлади. Кўчаларни асфальт қилиш, турли дархат ва гул қўчатлари экиш, канализация ўтказишига эришти. Айниқса оилалардаги тинчлик-тотувликни таъминлаш йўлида, ажримларнинг олдини олишда катта ёрдам берди. Жумладан, ўтган вақт мобайнида Мухаррам опанинг саъй-ҳаракати билан ажралишадган 3 та оила ярашиб, 10 та оилани ўз хонадонларида муросага келтиришда муносиб хисса қўшди. Бундан ташқари маҳалладаги ишсизларни иш билан таъминлашда алоҳида эътибор қаратиб, кўпчиликни ишга жойлаштиришда жонқуярлик кўрсатиб келмоқда. Шу билан бирга маҳалладаги ҳам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оилаларга, беморларга ёрдам беришни ўз вазифаси деб била-

ди. Айниқса маҳалладаги тўй-ҳашам, маъракалар Мухаррам опасиз ўтмайди. Албатта тўйларни ихчамлаштириб, исрофгарчиликка йўл қўймасликни талаб қилади. Шунинг учун маҳалладаги Мухаррам опа бош-қош бўлган ҳар бий тўй ва бошқа маросимлар ихчам ва чиройли ўтмоқда. Бундан маҳалла аҳли ҳам хур-

бурчимиздир. Айниқса Андижон воқеаларидан сўнг маҳаллада ҳаммаи оғоҳлик ва ҳушёрликка ундаб келямиз. Шунингдек, маҳалламизда турли хил тадбирлар ва танловлар ўтказиб, яхши натижаларга эришмоқдамиз. «Камолот» ёшлари билан ҳамкорликда маҳаллалараро ўтказилган «Бали,қизлар» кўрик-танловиди

маҳалламиз иккинчи ўринга сазовор бўлди. Маҳалла маслаҳатчилари ўртасида ўтказилган «Намунали маҳалла» танловига ҳам биз иккинчи ўрин соҳиби бўлдик. Маҳалламиз жуда иноқ ва аҳил. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида маҳаллада «Еш оналар» мактаби ташкил этганмиз. Ҳар ойда бир марта ёш оналарга мутахассис шифокорлар томонидан саломатлик, фарзанд тарбияси бўйича керакли маслаҳатлар бериб боришмоқда. Бундан ташқари маҳалламизда «Еш истеъ-

Мағбурлар

ҚАДРИЯТЛАР УЛУҒЛАНДИ

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён орадан 14 йил вақт ўтди. Мустақиллик халқимиз онгида, юрагида Ватан тушунчасини алангалатиб юборди. Мустақиллик шарофати билан ўзлигимизни англадик. Урф-одатларимиз, қадриятларимиз тикланди. Унутилаёзган аъёнларимиз қайтадан қад ростлади. Маҳалламиз жуда иноқ ва аҳил. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида маҳаллада «Еш оналар» мактаби ташкил этганмиз. Ҳар ойда бир марта ёш оналарга мутахассис шифокорлар томонидан саломатлик, фарзанд тарбияси бўйича керакли маслаҳатлар бериб боришмоқда. Бундан ташқари маҳалламизда «Еш истеъ-

ни олишга қаратилди. Зеро, оилада соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, қудалар орасидаги тўй олди-берди ҳаражатлари, қайнона-келин орасидаги муносабатлар, Ҳайит байрамларини ихчамлаштириш, оилада тиббий маданиятни яхшилаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш асосий мақсадимиздир. Бу каби тадбирларни келгусида тез-тез ўтказиб туриш албатта ёш авлод қалбида миллий аъёнларимизни қадрлаш ҳиссини уйғотиши шубҳасиз.

Гулчеҳра КАРИМОВА СУРАТЛАРДА: Юнусобод туманидаги «Оқтепа» маҳалласида бўлиб ўтган «Барҳаёт аъёнлар» тадбиридан лавҳалар.



Аёл борки, олам мунаввар

ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг саҳифаси

Ҳунармандликнинг қўли гўли

МУСТАҲКАМ ИРОДАГА ТАЯНИБ

Меҳнатни саодатнинг қалити, дейдилар. Бир касбга меҳр қўйиб, унинг сир-асрорларини пухта эгаллаган инсонгина ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди албатта. Орамизда шундай инсонлар борки, ақли-ҳуши жойида, оёқ-қўли бут, саломатлиги яхши бўлсада, ҳеч бир нарсасга қизиқиши ҳам, интилиши ҳам йўқ, лоқайд, ялқов бўлиб, орзу-мақсадсиз яшайди. Афсуски бундай одамларни кўрганда ачинасан киши. Уларнинг келажаги йўқ, яхши кунларга умиди йўқ иродасиз инсонлардир.



матбаҳолиги муҳим эмас. Энг асосийси у сизга мос бўлсин.

ОДДИЙЛИККА ИНТИЛИНГ

Эркаларнинг фикрига қараганда, агар ҳар бир аёл қалби мусаффо бўлса, у шунчалик қадри бўлади. Аёл қанчалик содда бўлса, у билан яшаш шунчалик қадри ва қизиқарлидир. Хушмуомала, ширинсўз аёл ҳар қандай эркакнинг қалбига йўл топа олади. У билан турмуш кечириш ҳам осон бўлади.

ЎЗИНГИЗГА ВАҚТ АЖРАТИНГ

Эркалар доимо ўз гўзаллиги ҳақида қайғурувчи аёлларни эктирмайдилар. Яъни уларга соатлаб кўзгу олдига гирдиканалак бўлиб гўзаллик салонида ортамайдиган аёллар умуман ёқмайди. Тўғри, эркаларга гўзал аёллар жуда ёқади, лекин уйланишга келганда эса улар иккиланиб қоладилар. Чунки уларнинг фикрича гўзал аёллар ҳалдан ортиқ ўзларига ишонган ва худбин бўладилар. Бу жиҳат эса эркаларга ёқмайди. Шунинг учун ҳам улар оддийроқ аёллар билан турмуш қуришни афзал биладилар. Азиз аёллар, тахминлар, статистик маълумотлар ва эркалар нима деса дейверсин, сиз ҳаминша лобарсиз, гўзалсиз ва ёқимлисиз. Сиз хил ҳаёт гўзал, кунлар ойдин, кечалар чароғон, умр эса мазмунли ва сеҳрлидир. Шундай экан, ўзингизни асранг, соғлигингизга эътиборли бўлинг.

Ҳар қандай вақтда ҳам ўзингиз учун озгина бўлса ҳам вақт ажратинг.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА тайёрлади.

Лекин орамизда тақдирнинг машъум кечмишларига учраб ёшлигиндан ногирон бўлган кишилар ҳам йўқ эмас. Кўпинча бундай инсонлардаги сабру бардош, мустаҳкам ирода, қатъият уларни ўз олдидиларига қўйган юксак мақсадларига етказишига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Садоқат ҳам тугма ногирон бўлиб ўнг қўли тирсагидан йўқ. Бу ҳам етмагандек уч ёшлигинда йиқилди, қулоғи ҳам оғир бўлиб қолди. Бу кўргуликларга ота-онаси оқиб қўйишди, уни даволатиш учун бормаган жойлари, қўрсатмаган табибу шифокорлари қолмади. Катта бўлган уни 102-маҳсус интернат-мактабга ўқишга беришди. Садоқат ногирон бўлсада зийрак, ҳамма нарсасга қизиқувчан, қобилиятли қиз бўлиб воғая етди. Ақли-хушини танигач, тушкунликка тушиб ўтирмади. Қиз бола-да, уй юмушларини қилишга, пазандчилик, тикуччиликка қизиқа бошлади. Бир қўли билан бўлсада онасига уй юмушларида ёрдамлашарди. Мактабни битиргач «Бегойим» ўқув марказида пазандчилик ва компьютердан сабоқ олди. Кейинчилик тикуччилик, зардўзлик сирларини ўрналиқ истагини билдирди. 2002-2004 йилларда ота-онаси Садоқатдаги қизиқишини сезиб-ўна шайхара ногирон аёллар ва болалар «Маънавият-маърифат» маркази қошидаги зардўзлик ўқув курсига беришди. Садоқат қийинчилик билан бўлса ҳам, умидсизликка тушмай, бир қўл билан ус-

тозларидан зардўзлик сирларини секин-аста ўрганди. Ундаги касбга қизиқиб, интилувчанлик, сабр-тоқат бора-бора кўра самарасини кўрсата бошлади.

— Аввалига қизимдаги зардўзликка бўлган қизиқишини билганимда қандай эълайди, ўргана олармикан, деб ташвишландим, — дейди Садоқатнинг онаси Сурайё Мухамедова. — Лекин ундаги қатъий ирода ва интилишини қўриб, рози бўлдим. Тикишни ўрганишга астойдил қилишиб эрталабдан кечгача ўқув марказида қотиб кетарди. «Хали кўрасизлар, мен албатта тикишни ўрганаман», деб тушутирарди бизга Садоқат ўзига ишонч билан. Уч ой деганда у мустақил тикишни ўрганди. Бир куни ўзи тиккан туморни олиб келиб кўрсатганда, аввалига ишонмадик, устозлари таъкидлаганидан кейин шундай хурсанд бўлдикки, буни тасаввур қилолмасиз. Кўзга ҳам ишонмайман. Инсон орзулари сари интиляса, албатта мақсадига эришар экан.

Дарҳақиқат, шу кун Садоқатнинг ҳаётида унутилмас кун бўлди. Чунки у ўзининг иқтидорини, истеъдодини намоён этиш ибод қилганди. Бир қўлида, сеҳрли бармоқлари билан заррин иппардан мўжизалар яратишига ишониб қўйин эъдида. Бора-бора у нимча, елпигач, чойнак ёпқич каби буюмларга ва атлас кўйлақларга зардўзи тикиб устозлари ва

ота-онасини лол қолдирди. Ҳаттоки отасининг туғилган кунинда ўз қўли билан тиккан зардўзи чопонни кийгаганида яқинлари ва қариндошлари ҳам ҳайратда қолишиб кўзларидан секин-секин у шаҳримиздаги турли хил танловлар, кўргазмаларда ўзининг тиккан ишлари билан қатнаша бошлади. 2005 йилда эса Юнусобод тумани бўйича ўтказилган «Ташаббус» кўрик-танловинида иштирок этиб, учинчи ўринга сазовор бўлди. Унинг бу ютуғидан ота-онаси, устозлари беҳад қувонишди.

Бугунги кунда Садоқатнинг ишларига хорижликлар ҳам катта қизиқиб билан қарашмоқда. Эндилликда у «Садоқат меҳри» номли ўқув маркази ташкил қилиб, ўзи каби ногирон қизларга зардўзлик сирларини ўргатмоқда. Бу қиздаги интилиш, қатъият ва матонат, шижоатни кўрган кишининг албатта ҳаваси келади. Қани эди бошқаларда ҳам мана шу ногирон қизда бўлган орзу, мақсад, умид, ғайрат ва шижоат бўлса...

Биз ҳам мақсадлари улкан, юксакларга парвоз қилишга интилаётган Садоқатга келгусида саломатлик ва омад талаб қилаемиз.

Гулворон ҲАМИДОВА СУРАТДА: Садоқат Мухамедова ўзи тиккан буюмини намойиш этмоқда.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТУМАН ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎМИТАЛАРИНИНГ ОИЛАВИЙ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ

№	Туманлар	Ишонч телефони	Масъул ходимлар	Қабул куни	Манова
1	Бектемир	195-03-07	Аҳмедова Муқаллас — ўқитувчи Жумабоева Қўри — руҳшунос	Душанба, chorshanba - 10.00-16.00	Бектемир тумани ҳоқимлиги
2	Миробод	56-02-28	Қаюмова Раъна — руҳшунос	Душанба, chorshanba, juma - 09.00-18.00	Миробод тумани ҳоқимлиги
3	М.Уллубек	67-74-14	Рақимова Нури — терапевт Рўзиёва Барно — ҳуқуқшунос	Сешанба, пайшанба - 09.00-12.00	М.Уллубек тумани ҳоқимлиги
4	Сергели	57-20-93	Матқубова Розагул — руҳшунос Халиқова Замира — ҳуқуқшунос	Жума - 10.00-13.00; сешанба - 14.00-17.00	Сергели тумани ҳоқимлиги
5	С.Раҳимов	118-92-30 46-05-36	Бапрова Малика — педагог руҳшунос, Мағдиева Нигора — шифокор	Ҳар куни - 09.00-17.00; chorshanba - 09.00-17.00	С.Раҳимов тумани ҳоқимлиги
6	Учтепа	74-28-38	Тўлчиёва Гулжамол — педагог	Сешанба - 09.00-18.00	Учтепа тумани ҳоқимлиги
7	Шайхонтоҳур	134-53-03 41-21-62	Ҳошимқамол Наво — шифокор Файзуева Зулфия — руҳшунос	Ҳар куни - 09.00-17.00; пайшанба - 09.00-18.00	Шайхонтоҳур тумани ҳоқимлиги, «Ойла» маркази
8	Чилонзор	132-64-33 45-42-35	Алимова Дилором — руҳшунос	Сешанба, пайшанба, шанба - 09.00-18.00	Тошкент Давлат иқтисодий университетининг руҳшунослик кафедраси
9	Ҳамза	300-43-07 93-19-77 98-09-96	Ленисова Лариса — руҳшунос Саидбаҳромова Раъно — руҳшунос	Сешанба, пайшанба - 09.00-12.00	3-оилавий поликлиника-Жарқўрғон кўчаси, 37, 227-мактаб
10	Юнусобод	135-42-98	Маълянова Шаҳноза — ҳуқуқшунос Претова Саида — руҳшунос	Ҳар куни - 09.00-18.00; chorshanba, juma - 14.00-18.00	Юнусобод тумани ҳоқимлиги
11	Яккасарой	54-64-70 55-45-00	Бутирина Нелля — руҳшунос	Ҳар куни - 09.00-18.00	Тумандаги 2-руқий асаб касалликлари шифохонаси
12	Тошкент шаҳар «Ойла» маркази	58-68-70	Орипова Феруза — филолог	Ҳар куни - 09.00-18.00	Сергели тумани, «Файзи оёқ» маркази
13	Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси	133-33-17	Миралитов Мирмуҳаммад — Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари	Ҳар куни - 09.00-18.00	Миробод тумани Мовароуннаҳр кўчаси, 4
14	Халқ таълими бош бошқармаси	137-08-15 137-08-30	Қамолтов Жамолдин — Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари	Ҳар куни - 09.00-18.00	М.Уллубек тумани, Пушкин кўчаси, 64
15	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси	133-07-10	Аҳмедова Лимона — Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси маънавият ва маърифат ишлари бўйича бош мутахассиси	Ҳар куни - 09.00-18.00	М.Уллубек тумани, Пушкин кўчаси, 7

Маслаҳатларимиз

ЛАТОФАТНИ ВА ЗЕБО БЎЛИНГ

Замон билан ҳамнафас бўлган гўзал ва лобар қизлар, аёллар ҳаминша гўзаллик, нафосатга интиладилар. Қоматларини янада гўзал тутиш мақсадида қи-налсаларда баланд пошнада юришга ҳаракат қиладилар.

Албатта кўпчилигимиз баланд пошна туфли кийишни хуш кўраемиз. Лекин, шунини айтиш жоизки баланд пошна оёқ кийимларини кундалик ҳаётда кийиш тиббиётда ҳам тавсия этилмайди. Маълум бўлишича, ҳар куни баланд пошналу туфли киядиган аёлларнинг 70-80 фоизи болдир шишидан, томирларнинг бўртиб чиқиб кетганидан, товонларининг огришидан шикоят қилишаркан.

Паст пошнада юришга ўрганмаганлар, фақат баландда юрадиганлар ишга боргандан сўнг оёқ кийимларини енгил шиппака алмаштириб олишлари лозим. Агар сиз сартарошлик, ошпазлик, сотувчилик касбига оид жойларда фаолият юргизсангиз, сизга умуман баланд пошналу оёқ кийимлар кийиш тавсия этилмайди. Чунки сиз кун бўйи оёқда туриб ишлайсиз, оёқ томирларингиз, пайлар толи-

Аёллар фиксин

ДОНОЛАР ҲАМИША КЕРАК

Эркалар ақли аёлларни эктирмайдилар, деган ибора жуда ҳам нотўғри, айниқса хозирги замонда. Агар билмасангиз билиб олинг, эркалар ақли аёлларни севадилар ва ҳурмат қиладилар. Суровномалар натижасида шу нарсас аниқ бўлдики, олий маълумотга эга ҳар иккинчи эрка олий маълумотли турмуш ўртоқ топишга ҳаракат қилар экан. «Аҳмоқ» аёллар эса ҳамто учналик ақли бўлмаган эркаларга ҳам ёқмас экан. Шунинг учун ҳеч қачон ўзингизни аҳмоқ қилиб кўрсатманг. Ва яна шунини эсингиздан чиқармангки, ҳеч қачон ундан ақилроқ эканлигингизни намойиш этишингиз кераги йўқ. Бу билан сиз ўзингиз қадрини пастга урган бўласиз. Бу эса мағрур ва ориятли эркаларимиз учун катта зарба бўлиши мумкин.

СИЗ УНГА ЁҚАСИЗ, ФАҚАТ...

Маълумотларга қараганда эркалар тўладан келган аёлларга бироз беварқардирлар. Семиз аёлларни фақат 4 фоиз эркалар эктирар эканлар. Қолганлари сарвиқомат дилбарларга ошиқ. Озгина аёллар саккиз фоиз эркаларга ёқар экан. Шундай экан ҳам оёқат ёқ, ўртамеъналикни танланг. Турли хил атирлар билан тегилингизнинг табиий ҳидини йўқотманг. Ҳар хил оңиқ-сочиқ кийимлар кийиш ҳам эркалар қизиқишини сўндирди. Либоснинг арзон ёки қим-

Атрофи пурвикор тоғлар билан ўралган гўзал Белдирсой табиат гўшасида жойлашган "Ўзэлектроаппарат" очик акциядорлик жамиятининг "Зафар" болалар соғломлаштириш оромгоҳида хордик чиқарётган қорақалпоқ болалари бизни бир овоздан шарқона "Ассалому алайкум" деб кутиб олдлар. Улар билан суҳбатлашши мароки кеңди. — Мен Авазбек Шамсуддинов Шуманай туманидаги 1-мактабнинг 8-синф ўқувчисиман, — дея сўз бошлади истараси иссиқ, табассуми ўзига ярашган бола. — Оромгоҳ ҳаёти менга ёқди. Тайёрланаётган овқатлар яхши, кутубхонада маза қилиб қизиқ-қизиқ китоблар ўқийман. Яхши китоблар кўп. Тўғарак машғулотларига қатнашмоқдаман, футбол ўйнайман, ҳовузда мириқиб чўмилдим. Зерикиш йўқ. Агар илоҳи бўлса келаси йили ҳам келардим.

Унинг фикрини кўлаб-қувватлаб, Тахтақўпир туманидаги 5-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Дилора Усербаева сўхбатга қўшилди "Кутубхона менга ёқди. Кўп тарихий, бадий, эртак китобларини ўқидим. Оромгоҳда бошқа тўғараклар билан бирга "Рак" тўғараги ҳам бўлиб, бу тўғарақда фаол иштирок этаман. Оромгоҳда тайёрланаётган овқатлар тўйимли, мазали, суви эса ниҳоятда ширин, тўйиб-тўйиб ичамди. "Зафар" оромгоҳига янаги йилда ҳам келишни истардим" — дея сўзини тугатди Дилора.

Моҳир кўлар тўғарагига ўз ишини севган инсон Вячеслав Айрапетов раҳбарлик қилади. "Тўғарақда ёзги мавсумнинг тўртинчи навбатига 32 нафар бола шуғулланмоқда. Уларнинг кўпчилигини ўғил болалар ташкил этади. Болалар елканли кемаларнинг моделларини ясаيدилар. Ва шу асосда кургазма ташкил этилган" — дейди Вячеслав Георгиевич.

"Зафар" оромгоҳи яқинида "Тошкент трактор заводи" ДАЖнинг "Белдирсой" болалар соғломлаштириш оромгоҳи жойлаш-

ган. "Оромгоҳимиз ҳудуди 7,5 гектардан иборат, — дейди унинг бошлиғи Баҳодир Хайитбоев. — Бу ерда болалар зерикиш нималигини билмайдилар, расм чизиш, юмшоқ ўйинчоқлар, қоғоздан буюмлар ясаш, макраме каби моҳир кўлар тўғаракларида шуғулланадилар, футбол, волейбол, стол тенниси билан машғул бўладилар. Кутубхона болаларнинг сеvimли хордик

гини кўриш мумкин. Замонавий рақс тўғарагида болалар рақс санъати сирларини ўрганадилар ва бу гўзал санъат уларнинг пок калбига азгуликни сингдиради". — Оромгоҳда расм чизиш тўғарагига қатнашдим, — дея сўз бошлади. Тошкент шаҳридаги 64-ўрта мактабнинг 5-синф ўқувчиси Солижонов Фарруҳ. — Лекин ниятим келажакда ҳуқуқшунос бўлиш, олим ўқитувчи бўлиб ишлайдилар.

Мен орзуимга етишиш учун кўп ўқишим, кўп нарсани билишим керак. Чунки, куч — билимдир. "Мен Нуржон Трамбаевман, Тахтақўпир туманидаги 5-мактабда ўқийман, — дея сўхбатга қўшилди Оролбўйидан келган бола. — Оромгоҳнинг "Маънавият ва маърифат" маркази уюштирган тинчлик улуғланган плакатларга расм чизиш танловида биринчи ўринни олиб, оромгоҳ раҳбариятининг дипломи билан тақдирландим. Бундан албатта хурсандман. Доно болалар ёш болани унинг-ўсаётган нав-ниҳолга қиёслашди. Бирозгина шамол ниҳол қаддини букиши, қийшайиб ўсишига сабабчи бўлиши мумкин. Болаи ёшлиқдан асраб-авайлаб, унинг камоли учун тўғри тарбия бериш, қизиқиши, қобилиятига қараб ҳунар ўргатиш, касбга йўналтириш бағоят фойдаландим.

Оромгоҳлардаги турли тўғарақларда ҳунар ўрганаётган, китоб мутлоаа қилаётган, спорт билан шуғулланаётган бола келажакда моҳир ҳунар эгаси, таниқли олим, истеъдодли спортчи, эл севган санъаткор бўлиб етишиши шак-шубҳасиздир. Жумладан, болаликда "Алгоритм" оромгоҳида дам олиб тенгдошларига гўзал рақсларини намойиш этиб камолга етган, яқиндагина нуфузли "Ниҳол" мукофотининг совриндори бўлган, рақс санъатига ярқ этиб кириб келган истеъдод соҳибаси Ирода Исмоилованинг тинчмисиз изланганлиги, эришган ютуқлари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Улуғбек ПУЛАТОВ

Эшлар — келажакимиз

ОРОМГОҲЛАР
ФАОЛИЯТИГА БИР
НАЗАР

Мана, уч ой ёз мавсумида хордик чиқарган болажонлар яна қадрдон ўқув масканлари бағрига қайтдилар. Уларнинг оромгоҳларда дам олишлари кўнгилдагидек ўтдими? Деган саволга жавоб топиш мақсадида шахримиз ташқарисида жойлашган баъзи оромгоҳлар фаолияти билан ақиндан танишдик.

чиқариш масканларидан бўлиб, ўзларини қизиқтирган эртақларни, ўтмишимиздан сабоқ берувчи тарихий бадий мазмундаги асарларни мутлоаа қилмоқдалар"

"Узқабель" қўша корхонаси очик акциядорлик жамиятининг Бўстонлиқ туманининг баҳаво гўшасидаги Хондайлик қишлоғи ҳудудида "Зилола" болалар соғломлаштириш оромгоҳи жойлашган. Оромгоҳда ёзги соғломлаштириш мавсумининг тўртинчи навбатига 174 нафар бола дам олиб, шундан 60 нафарини қорақалпоқ қалқининг фарзандлари ташкил этади, — дея сўз бошлади корхона касаба уюшма кўмитасининг раиси Рустам Турсунов. — Моҳир кўлар тўғарагига болалар расм чизиш, сомондан, қоғоздан буюмлар, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш билан шуғулланадилар. Улар ясаган буюмлар орқали болалар ҳаёт оламининг нақадар бойлигини, орзулари бисёр эканли-

Салғай

ЛАБОРАТОРИЯ
ИЗЛАНИША

Ўзбекистон Давлат консерваториясида бир нечта ижодий лабораториялар ташкил топган. "Миллий чолғу" мусика лабораторияси фаолияти ҳам кенг йўлга қўйилган.

Ўзбек миллий чолғу асбобларини тақомиллаштиришда ҳам лаборатория самарали излашнилари олиб бормоқда. Натижада халқ чолғу асбоблари оркестрлари учун тақдим этилган созлар ижроси ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортиди.

Болалар ижроси учун мослаштирилган чолғу асбоблар ҳам яхши баҳо олди. Эндликда улар мактаблар, олий ўқув юрларида фаолият кўрсатаётган мусика ижодий гуруҳларида ўзига кенг йўл топди.

ЭКРАН ТАЛҚИНИДА

Атоқли ёзувчи Асқад Мухтор асарлари асосида экран юзини кўрган фильмлар томошабинларда яхши таассурот қолдиради. Адибнинг "Абадийлик ва чириб битишлик" деб номланган ҳикояси ҳам кино усталари эътиборини ўзига тортиди.

Диний мавзуда ёзилган бу асар яқин орада фильм постановкаси сифатида бадий талқинини топади. Тавротда акс этган воқеани экранлаштириш жараёнида томошабин зиддиятли тасвирларга дуч келади.

Узининг "Дев билан пакана" деб номланган бадий фильми билан томошабинларга яхши танилган кинорежиссёр Жаҳонгир Қосимов оқоридаги асар устида иш олиб бормоқда. Мазкур фильм ҳам санъаткорнинг ижодий услубига хос тасвирларда юзага келади.

Аҳмад АББОСОВ

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ЯНГИ
КОЛЛЕЖДА

Тошкентдаги Баровский номидаги тиббиёт коллежи қисқа вақт мобайнида тўлиқ таъмирланиб фойдаланишга топширилди.

Таъмирдан чиқарилган тиббиёт коллежини очилиш марсомида Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари, ўқитувчи-мураббийлар, ўқувчилар иштирок этишди. Унда мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилган ислохотлар хусусида сўз юритилиб, ҳозирда малакали тиббиёт хамшираларини тайёрлашга жиддий эътибор қаратилганлиги таъкидланди. Бугунги кунда

ушбу маскан мамлакатимиз тиббиёт тизими учун хамширалик, даволаш, акушерлик иши йўналишлари бўйича ўрта маълумотли мутахассислар етказиб беради. Бугунги кунда коллежда уч мингдан ортиқ ўқувчи тахсил олмақда.

Барча шарт-шароитларга эга бинода фақат ўқув амалиёт дарслари ўтилади. Амалиёт дарсларининг кўнгилдагидек ўтиши

Пойтахтда Тошкент Давлат юридик институти Япония университетлари Россия академиялари ҳамкорлигида халқаро симпозиум ташкил этилди. Унда оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида қонун устуворлиги, муқобил ҳуқуқий фанлар масалалари муҳокама қилинди.

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ
СОҲАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Халқаро симпозиум давлат бошқаруви маъмурий ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларга бағишланган бўлиб, унда иштирок этаётган ҳуқуқшунос олимлар бу йўналишда Ўзбекистон, Россия ва Японияда амалга оширилаётган ислохотлар хусусида ўзаро фикр алмашишди.

Анжуманда таъкидланишича, оммавий ҳуқуқий соҳадаги ислохотлар мураккаб ва узоқ муддатли масала ҳисобланади. Бу эса уларнинг илмий тадқиқотлар асосида амалга оширилишини тақозо этади. Бугунги глобаллашув жараёнида барча соҳалар сингари ҳуқуқ тизимида ҳам ҳамкорликни йўлга қўйишли малакали ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашга қулай шароит яратди. Шунингдек, турли мамлакатларда давлат бошқаруви маъмурий ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган, ислохотларни бориши хусусида ўзаро таж-

риба алмашишга имкон беради.

Халқаро симпозиумда Тошкент Давлат юридик институти ҳамда Япониянинг Нагоя университетини ўртасидаги ҳамкорлик хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди. Симпозиумда Россиянинг Саратов ва Урал юридик академияларининг вакиллари иштирок этаётганлиги келгусида Ўзбекистон ва россиялик ҳуқуқшунослар ўртасидаги ҳамкорликнинг мустақамлашишига катта хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Халқаро симпозиумда ҳуқуқшунос олимларнинг мавзуга оид ўндан ортиқ маърузалари тингланди. Анжуман материаллари жамлиниб китоб ва қўлланма сифатида нашр этилди. Келажакда у ҳуқуқшунос олимлар ва талабалар учун қўлланма сифатида фойдаланилади.

"Туркистон-пресс"

учун эса бу ерда барча тиббий жиҳозлар мавжуд. Коллеж тиббиёт тизимидаги сўнгги ютуқ ва янгиликлар билан ўқувчиларни мунтазам бохабар қилиб бориш мақсадида замонавий русумдаги компьютерлар билан таъминланди. Турли мультимедиа ва ўқув фильмларидан фойдаланиш дарсини самарали ўтишига ёрдам беради. Бундан ташқари, коллежда биология ва кимё лаборатория хоналарининг жиҳозланишига алоҳида эътибор қаратилди. Яна бир эътиборли жиҳати коллеж иккита спорт залига эга бўлди. Бугунги ўқувчилардан эса ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиш ва ўз касбининг малакали мутахассиси бўлиш талаб қилинади.

"Туркистон-пресс"

Шарқ дурдоналари



● Гийбат — юракнинг безовта касали. У калбимизни яралайдиган мудҳиш оғудир.
● Кишилар ҳаловатига гийбатчиликдек зарар келтирадиган иллат йўқдир, зеро бу касалга учраганлар нафақат ўзларини қийнашади, балки ўзгалар қувончига ҳам раҳна соладилар.
● Доно одам олдида қандай гап айтмайлик, у гапимизни ақл тарозусида ўлчаб, сўнг ўзимизга баҳо беради. Зеро, агар биз бирон одам гийбатини қиладиган бўлсак, доно ҳамсуҳбатимиз азгуликда бизнинг одамларга гараз ниятда эканлигимизни тушунади. Кейинчалик бизга ҳатто эътибор бермай қўйди. Чунки биз бошқа бир одам билан суҳбатлашганимизда унинг ҳам гийбатини қилишимизни тушунади.

Байт:
Биродар, ҳар кимки айласа гийбат,
Лойқидир ундайга дейилса лаънат.
Бундайларнинг жойи жаҳаннам бўлур,
Гийбатчига билсанг бу ҳам кам бўлур.
● Одоб ҳазинасини юрагига жойлаган бир йигит бор эди. У ўз бахтини тополмай, бир неча вақт сарсон ва саргардонликда юрди. У ердаги қийинчилик ва мақру ҳийларга қанчалик сабр қилмаси, биронта фойда кўрмади. Қоронғу тунларни оғир ҳаёллар билан ўтказди.
Бир кун Анушеров мажлис уюштириб қолди. У ўз мулозимларидан:
— Энг юмшоқ нарса нима?
— деб сўради.
Утирганлардан бири:
"Шохи", деди, иккинчиси эса:
"Товуқ патлари", деди. Бошқа бирови эса: "Ипақдан ҳам юмшоқ нарса бўлиши мумкинми?" деди. Шу онда ҳалиги йигит ҳам сарой четига турган эди. Мулозимларнинг жавобидан Анушеровнинг кўнгил тўлмаганини кўриб, сўзлашга ижозат сўради. Ижозат бўлғач деди:
— Энг юмшоқ нарса тинчликдир.
Анушеров унга офарин айтди ва яна сўради:
— Энг яхши овқат қандай овқат?
— Шаҳвоний хирсини оширмайдиган ва тандра ҳеч қандай иллат тўғдирмайдиган овқат энг яхши овқат, — деб жавоб берди йигит.
Анушеров яна ундан:
— Гулларнинг энг хушбўйи қайси? — деб сўради.
— Энг ҳидли гул ота-онани тириклигида рози қиладиган, ўлгандан кейин эса уларнинг номини абадийлаштирадиган қобил фарзанд, — деб жавоб берди йигит.
Анушеровнинг йигитни тақдирлади ва ўз ҳаммалари орасига олди.
Байт:
Куннинг жамолини кўрай деса ким,
Тунда сабр қилмоқ ёлғиз чораси.
Гавҳар қидирувчи меҳнатдан кўрсас,
Қўлига чикмагай дурнинг сараси.



Шаҳримиз дам олиш таскалларига

БОҒДА АСКИЯ ВА МАҚОМ КЕЧАСИ

Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи шаҳримизнинг энг қадимий ва файзли дам олиш ғўшаларидан ҳисобланади. Илгарилари бу ерда дор ўйинлари, аскиячи ва ҳофизларнинг чиқишлари мунтазам равишда ташкил этиб турилган.

Юртбошимиз ташаббуслари билан шаҳримизнинг Эски шаҳар қисмини замонавий тарзда қайта қуриш ишлари амалга оширилиши муносабати билан ушбу боғ ҳам янгидан чирой очди. Ҳозир Абдулла Қодирий боғини Эски шаҳар ҳудудига мисоли узукка қўйилган кўздек ярашиб турганлигини таъкидлаш мумкин. Мустақиллигимизнинг 14 йиллик шодидеоналари кунларига қайтадан ўз эшикларини очган ушбу боғда маданий ҳордиқ чиқариш учун барча қўлайликлар яратилган. Бу ерда то оқшомга қадар болажонларнинг шодон кулгулари тинмайди.

Кувонарли томони шундаки, хайрли аъналар тикланиб, сўлим боғ ҳудудида яна аския усталари ва ҳофизларимизнинг мумтоз кўшиқлари янграмоқда. Кўни кеча боғ этакидан ўрин олган чиройли саҳнада Тошкент шаҳар ҳокимилиги ҳамда шаҳар Маданият ва спорт

ишлари бошқармаси ташаббуси билан "Ўзбекистон — қадрятлар қадрин топган юрт!" мавзусидаги бадий кечанинг ташкил этилганлиги ҳам фикримиз далилидир.

Дарҳақиқат, шу кўни шаҳримизнинг турли ҳудудларидан, боғ атрофидаги маҳаллалардан ташриф буюрган миллий санъатимиз ихлосмандлари кўнгилларга завқ улашувчи аския ва мақом кечасида мириқиб ҳордиқ чиқаришди.

Тадбир давомида Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов раҳбарлигидаги "Офарин" ансамбли созандалари ижросида маромига етказиб ижро этилган куйлар, халқ севган ҳофизлар Уктам Аҳмедов, Машрабжон Эрматов, Ўзбекистон халқ артисти Зулайхо Бойхорова ижросидаги "Дугоҳ", "Эшвой", "Тошкент ироғи", "На килдим", "Бозургоний", "Қоши ёсину дейин", "Эй



кўнгул" ва бошқа мумтоз кўшиқлар, дилрабо рақслар йиғилганлар қалбига бир олам ором бағишлади.

Тошкент аскиячиларининг сардори Абулқосим Тўйчиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Жўраҳон Пўлатов бошчилигидаги кўқонлик аскиячиларнинг ичказуди пайровлари маком ва аския кечасига ўзгача файз бағишлади.

Ўйлаймизки, шинам ва файзли боғда бундай бадий кечалар тез-тез ўтказилиб турилади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ
СУРАТЛАРДА: боғда ўтказилган "Ўзбекистон-қадрятлар қадрин топган юрт!" тадбиридан лавҳалар.

Ҳакимжон Солихов
олган суратлар.

Аттиқ, аммо оғиқ ган

АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИМИ?

Маълумки, жазирама кунларда салқин ичимлик — шифобахш маъданли сувлар жонга ором бағишласа, болажонларимизнинг жони-тани музқаймоқ бўлади. Бу борада халқ манфаатини кўзлаб турли хил музқаймоғу маъданли сувларни етказиб бераётган ишбилармон тадбиркорларимизга тасаннолар бўлсин.

Биз ҳам оиламиз билан бундай неъматлардан баҳраманд бўлиб турамиз. Набираларни айтмайсизми, бир кун музқаймоқ бўлмай қолса Борми, эртаси кўни бармоғини тилига олиб бориб музқаймоқ ялагандек қилиб кўрсатиб шама қилиб туришди. Агар имконияти бўлса уларнинг истагини албатта бажарамиз. Бири пломбирини ёқтирса, бошқаси шоколадлигини ва яна бири мевали музқаймоқни хуш кўради.

Мен «NORTH-STAR» масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиқарган мевали музқаймоқни кўриб ҳайрон қолдим. Бу музқаймоқ шу даража яхлатилганки, уни ялаб ёки қошиқчада олиб еб бўлмайди. Бир оз ранг берилиб андакгина мева мазаси келиб турган музқаймоқни эмас, данакдек-данакдек қилиб тиллаб узиб олинадиган музни курсиллатиб чайнаб ейиш керак бўлар экан.

Буни қарангки, болаларимиз музқаймоқ аталиб шарбатга ҳам ўхшамайдиган ярим пиёлагина музлатилган суякликнинг нимасини ёқтирар экан, десам, чиройли пакет ичида болаларни қизиқтириб у ер-бу ерга ёпиштириб қўйиладиган машинанинг расми ҳам бўлар экан. Ўзларига «Иш билганга минг танга» иборасини шior қилиб олган «тадбиркорлар» ишлаб чиқарган бир парчагина ранг берилган муз фарзандларимизга нима берадию, улар ундан қандай лаззат оладилар, шуларни ўйлаб кўришганимкан, ёки така бўлсин сўт берсин, қабилида иш тутишиб, сувни пул қилишиб чўнтақлари-

ни қаппайтиришнингина ўйлашганимкан?

Бозор иқтисодиёти рақобатни яхши кўради. Бу дегани алдам-қалдам йўл билан кишиларнинг чўнтагини қоклаш эмас, балки сифатни ошириб одамларнинг олқишига сазовор бўлиш дегани. Кейинги пайтлари мана шу олқишу раҳматномалар келтирувчи сифатнинг тағига сув кетиб, баъзи тадбиркорларимиз инсоф деган инсоний фазилатдан ҳийла йироқлашиб кетаётгандек.

Бир парча рангли музчи мевали музқаймоқ атаб пул қилаётганлар шундайлар тоифасидан эмасмиканлар? Наҳотки биз мевали музқаймоқ қандай бўлишини билмасак, кўрмаган бўлсак. Мевали музқаймоқ ҳам пломбир музқаймоғи каби қуюқ қилиб тайёрланиб, пакетлаб қўйилгани бўлса осонгина ялаб-ялаб, ликобчада бўлса қошиқчада олиб тан яйраб, маза қилиб ейларди. Ҳозирги минус 20 даража совуқда яхлатилган суякликдан хар томонлама афзаллиги ва сифатлиги билан ажралиб туради.

Набирам «Алдагани бола яхши» қабилида иш тутиб пакетга чизилган машина расмига қизиқиб музқаймоқни олиб келиб, юқорида айтганимдек музни курсиллатиб чайнаб еб, ўша кундан бошлаб бир ҳафта давомида ангина билан оғриб иситмалаб ётиб қолди. «Алдагани бола яхши» қабилида қилинган иш, билсангиз, келтирар ташвиш.

Ҳажонгир АБУБАКИРОВ,
меҳнат фахрийси

Бугунги кунда пойтахтимизнинг ўзида бир неча марказий кутубхоналар ишлаб турибди. Уларнинг фаолиятини давр талаби асосида ташкил этиш бўйича кўрилатган техник тадбирлар ҳам режали асосда амалга оширилмоқда.

Мағнабият

ЯНГИ ДАСТУР АСОСИДА

Зиё масканлари тизимини тўла компьютерлаштиришга киришилганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. "Билим" марказий кутубхонаси, Тошкент маданият коллежи ҳам замонавий технология асосида ишлашга ўтмоқда.

Айни вақтда ахборот технологиялари асосида фаолият кўрсатадиган маданият ўчоқлари сони янада ортади. Кутубхоналарнинг замонавий моделини яратиш йўлида ҳам янги режалар ишлаб чиқилди.

Акбар Йўлдошев

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

КРЕДИТОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Хўжалик ҳисобидаги Тошкент вилояти «Ермулккадастр» хизмати қошидаги «MULK KADASTR» шўъба корхонаси (ИНН 202404447), (ОКНХ 84500)нинг, Хўжалик ҳисобидаги Тошкент вилояти «Ермулккадастр» хизматининг буйруғи асосида иш фаолияти тугатилди.

Мурожаатлар икки ой мобайнида кўриб чиқилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Орипов кўчаси, 8-уй, тел. 134-11-63, 134-68-67.

Қаҳқаҳа

Эстрада концерти бўлмоқда. Хонанда кўшиқ ижро этиб бўлиб, таъзим қилган, сахнадан чиқмоқчи бўлади. Шунда залдан «Яна, яна!» деган овоз янграйди. Кўшиқчи иккинчи марта куйлайди. Сўнгра яна таъзим қилиб, чиқиб кетмоқчи бўлганда яна ўша овозда «Яна, яна!» деган сўзлар янграйди.

Хурсанд бўлган хонанда учинчи марта айтади. Яна таъзим бажо келтиргач, орта чекинади, аммо яна ўша таъзим овоз «Йўқ, яна кўшиқ! Яна куйла!» дейди.

Шу тариқа бу бир неча бор такрорланади. Ниҳоят ҳаяжонланган хонанда ўзини тута олмай:

— Кўшиқларимни яхши қабул қилганингиздан бахтиёрман. Аммо мени ҳам тушунинг, энди чарчадим, — дейди.

Шунда залдан баравар овозда қичқирдиқлар эшитилади.

— Куйла, ўргангунингча куйлайсан.

Ҳарбийга яқинда қақирилган аскар самолётдан сакрайди. Ҳавода учар экан, ғоят завқланади.

— Яхши, эй худойимей, осмон ҳақиқатда занғори, пастда ям-яшил ўтлар. Одамлар-чи! Ҳақиқатда одамлар чумолидек бўлиб кўринаркан-а.

Шунда старшинанинг бақирган овози янграйди:

— Аҳмоқ, парашютингни оч, улар ҳақиқий чумолилар-ку!

— Доктор, кичкина қизчамиз кескин равишда озиб бораяпти-я. Жисмоний тарбия билан шугулланади, очк ҳавода сайр қилдирыпмиз. — Айтинг-чи, еб-ичиши қандай?

— Э-э-э, жин урсин-а, нимадир эсимиздан чиққан, деб ўйловдим-а!

Бир эркак ўрмонда кетаётки қаттиқ қичқирқини эшитди:

— Коля, Коля, хотинингни зўрлашмоқда!

У ўзини овоз келган дарахлар орасига урди. Бу ерда бир неча киши уни роса дўппослашди. У шифохонада ҳушига келди. Чўқур ўйга толди. «Асабимни даволашим керак чоғи. Аввало мен Коля эмасман.

Иккинчидан эса ҳали ўйланганим йўқ».

Тун. Боғда дарахт устида ёниб турган чироқни кўриб ғирт маст бир киши ҳайратланади.

— Вуй. У-ў Мичурин-ей, қойил, ана қашфиёт-у...

Режиссёр сценарий муаллифига деди:

— Сценарий менга ёқди. Фақат бир неча диалогларни ўнглаб тўғри келган ҳар бир жиннига ҳам тушунадиган қилиш керак.

— Яхши, айнан сизга қаери тушунарсиз? ...

«Титаник» чўқмоқда. Капитан кема йўловчиларига қарата дейди:

— Жаноблар, менда иккита янгилик бор, яхши ва ёмон. Қайси беридан бошлай?

— Ёмондан, ёмондан — қичқирди барча.

— Кемамиз чўқмоқда.

— Яхисиси-чи?

— Биз ҳақимизда ишлан-диган фильмда бизни ўн олти «Оскар» кутмоқда.

Спорт

ЯНА БИР МАМЛАКАТДА КУРАШ ФЕДЕРАЦИЯСИ

Деярли ҳар ойда бирон-бир мамлакатда миллий курашимиз бўйича федерация тузилиб, ўз фаолиятини бошлаганининг гувоҳи бўламиз. Бу миллий кадриятларимизни ўзида ифода этувчи оммабоп спорт туримизнинг жаҳон миқёсидаги эътирофидан далолатдир.

Хусусан, куни кеча Вьетнам мамлакатда ҳам кураш федерациясининг тақдими ўтказилди.

Тадбир давомида мамлакатимиз кураш федерацияси мутасаддилари ўзбек спорт турига муҳаббат уйғонган вьетнамликларга "Кураш халқаро қондалари, техникаси ва тактикаси" қўлланмаси ҳамда кураш либосларини тақдим этишди. Шунингдек, ўзбек курашининг ўзага келиш тарихи, аъёнлари ва бугунги кундаги ривож хусусида сўз юритишди, спорт туримиз бўйича ташкил этилган турли мусобақалар тасвирга туширилган видеотасмаларни беришди.

Тақдимот маросими давомида семинар ҳам ташкил этилиб, унда Вьетнамда ўзбек курашининг истиқболлари тўғрисида фикр юритилди.

АВИАМОДЕЛЧИЛАР БАҲС ЮРИТДИ

Анджонда авиамодел спорти бўйича мамлакат биринчилиги ва Кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.

Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ҳамда мудофаага қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг вилоят Кенгаши томонидан ташкил этилган мусобақаларда ўзлари тайёрлаган авиамоделларда 60 га яқин ёшлар саккизта йўналиш бўйича иштирок этшиб, ғалаба учун кураш олиб боришди.

Ўзларининг маҳорат ва малакаларини энг яхши тарзда намояндалашган А.Ахрорий, Б.Бобоев, З.Бадриддинов, Д.Амиров ва Р.Эмурлов, ака-ука Беловоловлар ёшлар ўртасида авиамодел спорти бўйича мамлакат чемпионлари бўлишди.

Ўзбекистон Кубоги мусобақаларида эса мезонлар — Анджон вилояти авиамоделчилари ғолиб чиқашди.

(Ўз мухбиримиз)

Сергели туманидаги 266-мактаб жамоаси ушбу мактаб директори Дурдона Муҳаммеджоновга отаси

Сиддиқхўжа УМАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилми: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-93, 136-37-65; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тибқо офсет усулида босилди. 2496 нусxada босилди. Қўғоқ биниси А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатда олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишни мумкин.

Газета «Тошкент оқишми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шерк» нашриёт-матбوع акциядорлик компанияси бошқаровида. Корхона манзили: «Буёқ Тўра» кўчаси, 41-уй.

— Транспорт воситасининг техник жиҳатдан соз бўлиши, тормоз тизими, рул бошқармасининг ўз ўрнида эканлиги ҳайдовчининг ҳам, пидеанинги ҳам ҳаёти хавфсизлигини таъминлайди, — дейди Хасанбой Холиков. — Кундалик хизмат фаолиятимиз давомида шахсий турдаги барча транспорт воситаларини, мототранспортлардан бошлаб, енгил автомобиллар, юк автомобиллари, автобусларни техник кўриқдан ўтказиб борамиз. Диагностика тармоғимиз асосан Яққасарой, Сергели, Миробод, Чилонзор, У-чена ва Шайхонтоҳур туманларига хизмат кўрсатади.

— Ҳозирги кунда автоуловларда газ мосламасидан фойдаланиш кўпайиб бормоқда. Бунинг инсон саломатлигига таъсири кўпчиликини ўйлантирапти.

— Автомобилларни кўриқдан ўтказиш жараёнида, айнан мана шу газ мосламасининг давлат стандарти талабига мослигини диққат билан текшираемиз. Чунки, биринчи навбатда нотўғри ўрнатилган газ баллони хавф-хатар остида бўлади. Иккинчидан, агар газ мосламаси қондага биндан ўрнатилмаган бўлса, газ ҳиди чиқиб, инсон соғлиғига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боисдан ҳам биз автоуловни текширувдан ўтказиш мобайнида мана шу жиҳатларга жиддий эътибор қаратамиз. Бизнинг бош мақсадимиз фуқароларимиз хавфсизлигини таъминлаш ва саломатлигини кафолатлашдир.

— Техник кўриқ давомида асосан қайси

жиҳатларга эътибор қаратасизлар?

— Хизмат жараёнида асосан транспорт воситаси агрегат рақамининг техник ҳужжатларига мослиги солиштирилади. Бу жараёнда ўғирланган, ноқонуний равишда ўзлаштирил-

ситалари аниқланган. Кўриқ давомида транспорт воситасининг экологик жиҳатдан созлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мана шу давр ичида 104 та шахсий автомобилларнинг чиқинди газлари ва тутун миқдорининг меъёридан ортиқ эканлиги аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.

Бундан ташқари, техник кўриқ давомида автоулов қузовидаги мавжуд шикастлар, ташқи ёритиш чирокларининг созлиги ва шу билан бирга ён ва орқа ойналарининг қорайтирилиши даражаси ҳам текширилиб, ноқонунийларга тегишли чоралар кўрилади.

Бугун Республикаимиз миқёсида, айниқса пойтахтимиз Тошкентда кенг миқёсда йўл қурилишига катта эътибор берилмоқда. Кўприклар қурилиб, таъмирталаб йўллар текис ва раvon ҳолатга келтирилмоқда. Бунинг барчаси халқимиз турмуш даражасининг юксалиб бораётгани ва давлатимиз раънақидан далолатдир. Мана шундай кенг ва раvon

йўлларда ҳаракатланаётган минглаб автоуловларнинг хавфсизлигини таъминлашда масъулият билан меҳнат қилаётган Тошкент шаҳар ЙХҲБ 1-Диагностика тармоғи ходимларининг ишларида унум ва янада ривож тилаб қоламиз.

Сарвар СОБИРОВ

Техник кўриқ — 2005

СОЗ УЛОВДА — ХАТАР ОЗ

Бугунги кунда кўчаларни тўлдириб ҳаракатланаётган автоуловларнинг серкатнов бўлиб турганлиги билан бир қаторда хавфсизлик масаласи ҳам жуда долзарбдир. Йўл қодаларига амал қилмаслик кўпгина кўнгилсизликларга олиб келиши мумкин. Биринчи навбатда, пидеанинги йўл қодаларини пухта билиши содир этилиши мумкин бўлган йўл транспорт ҳодисасининг олдини олишга хизмат қилади. Ҳайдовчига эса фақат йўл ҳаракати қодаларини яхши билиши камлик қилади. Агар ҳайдовчининг транспорт воситаси, яъни автоулови ҳам мавжуд қодаларга бўйсунсагина тўлиқ хавфсиз ҳаракатга эришиши мумкин. Одамларнинг кундалик дастёри бўлган автоуловларнинг техник жиҳатдан созлиги ҳам юқоридаги муаммолар ечимига қайсидир жиҳатдан таъсир этмасдан қолмайди. ЙХҲБ томонидан мунтазам равишда ўтказиладиган техник кўриқлар давомида эъса, ана шундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи омиллар бартараф этилади.

«Сихат-саломатлик йили» давлат дастури амалга оширилаётган аини пайтда бош мақсадимиз инсон саломатлиги бўлиши даркор. Айнан шу йўлда қилинаётган ишлар билан танишиш мақсадида ва бошқа бир қанча саволлар Тошкент шаҳар ЙХҲБ 1-Диагностика тармоғи бошлиғи, подполковник Хасанбой ХОЛИКОВга мурожаат қилдик:

ган ёки ғайриқонуний тарзда қайта жиҳозланган транспорт воситалари фоз этилади. Мисол учун, жорий йилнинг 1 майгача бўлган мuddат оралиғида агрегат рақам белгиси мос келмаган 10 та ва ғайриқонуний тарзда қайта жиҳозланган 31 та шахсий автотранспорт во-

Мунажжам башорати

ДЎСТЛАР ТАЯНЧ БЎЛИШАДИ

15 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНА

Мунажжам фикрича, бугун гоят қизиқ кун. У инсон юраги билан боғлиқ. У фазовий муҳаббат қувватини ишга туширадиган қудратли кун — Бхакти кун. Яна бугунги кунни хайр-садақалар қилиш, ҳамдардлик, хайрия маблағларини тарқатиш кун ҳам дейишади. «Ушбу тавсияларни бажармаганлар ақли шикастадир», деб ёзганди Брахмагупта.

Бугунги кун романтик мулоқотлар, шаҳар ташқарисига саёхатлар, табиат қўйнида дам олиш, боғ ва экинзорларда ишлаш учун қулай келади. Ҳуқуқшунослар билан мулоқотлар, бирор қурилишга инвестициялар учун ҳам кун самарали келиши кутилади.

Ҳеч қандай янги ишга қўл урмаслик керак. Шу кун сиз ичироклик билан қаровчиликнинг ҳийла-найрангларига муносиб зарба бериш имкониятига эга бўласиз ёки ҳеч бўлмаганда уларнинг мақсад-режаларини билиб оласиз. Қуёш, Меркурий ва кундузги ой қувватларининг Паризод буржиди, Нептун билан Ой сайёралари қувватларининг Қовга буржиди бирлашиши шунга ёрдам беради.

Лекин мазкур фазовий имконият ердаги реал кунга айланиши учун сизга тер тўкиб меҳнат қилиш ва бирон-бир ноънанавий, оригинал ижодий йўл топшиш керак бўлади.

Устингизга сув тўқилиб, шалаббо бўлишингиз — сирларингиз фоз бўлишига ишора. Тишингиз синиши эса — катта ноҳушликлардан огоҳлантиришдир.

Бу кеча қўриладиган тушлар башоратли бўлади. Шунинг учун уларни эслаб қолишга ҳаракат қилинг.

Шу кун дори-дармонларни истеъмол қилиш, спиртли ичимликлардан ўзингизни тортинг. Чунки бугун жигар ва бўйрақлар заифлашган бўлади. Аллергия хасталиклари хужу қилиши мумкин.

Кийим-кечаклардан ашил ва кўк туслар ҳамоҳанглигидаги либослар оммани бўлади. Қизил рангдан бугунча воз кечинг.

БУГУН:

- зарурат туғилса одатди ишларини давом эттириш;
— мураккаб вазиятларда ҳаммасларнинг, ота-оналарингиз ва қариндошларингизга, тенгдошларингизга мурожаат этиш;
— ҳар қандай вазиятда осойишталикни сақлаб, мулоҳаза ва тахлиллар асосида иш қилиш;
— рўзғор муаммоларини ҳал этиш;
— куч ва маблағларни тежаб-тергаб сарфлаш;
— фойзли хонадон шароитида дам олиш тавсия этилади.

Янги ишни бошлаш, худбинлик, фақат шахсий манфаатларни қўзлаш, ўзингизга бино қўйиш, электр асбоблари билан эҳтиётсизларча муносабатда бўлиш хавфи экани ёдингизда бўлсин.